

O'zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasi  
O'zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasi



# ЎЗБЕКТИЛИ ВА АДАБИЁТИ

# О'ЗВЕК ТИЛ VA ADABIYOTI

4 / 2023

## CONTENT

### Linguistics

N.Mahmudov. Metaphor and its linguopoetic possibilities.....	3
D.Khudayberganova. Development factors of modern	
Uzbek linguistics terminology.....	13
Y.Odilov, M.Sabirova. Title in media text: types, functions	
and skill of choosing a title.....	17
M.Gazieva. Paradigm of literary and linguistic competences.....	25

### Literature studies

H.Hamrakulova. Issues of influence of children's folklore on fiction.....	31
O.Altinbek. Poetics of Rauf Parfi's poetics.....	39

### Scientific informations

Sh.Mirzazada. Development of dramatic genres in Uzbek and	
Azerbaijani literature of the beginning of the XX century.....	51
S.Matkarmova. Tradition, influence and creativity in ghazal writings.....	55
D.Tashpulatova. Interpretation of the proverb genre in Uzbek and	
English folklore studies.....	60
N.Muminova. Sayings of the Uzbek people's belief in prohibition and prophecy..	65
Y.Karimova. The character of Babur Mirzo is interpreted by Aybek.....	68
R.Gayibboeva. The historical roots of the Idris theonym in Navoi's work.....	72
M.Ibrahimova. A symbol of the world in "Kutadgu Bilig" .....	76
N.Yangibaeva. Creative fantasy and life material.....	79
I.Abdurayimova. The letter as an example of the epistolary genre.....	82
S.Joraboeva. About a ghazal of Shavki.....	87
A.Allaberdiyev. The phenomena of assimilation and dissimilation in	
Bukhara Oghuz dialects.....	90
E.Alimardonov. A historical source on Khorezm dialects.....	94
A.Ahmedova. The linguopoetic features of repetition in Chulpan's Works.....	99
F.Karimova. A combination of linguistics and psychological theories.....	104
A.Saidnomanov. Some notes on the duplication of medical	
terms and their elimination.....	107
M.Nazarov. On the comparative study of some phraseosemantic groups.....	101
D.Nasrieva. About the role of linguistic gestalt in the works of Isajon Sultan...114	

### Doers of Sciences

B.Tukhliev. Smarter and sensitive scientist.....	119
N.Mahmudov, A.Madvaliev, B.Mirzaeva. A connoisseur of	
Uzbek folk dialects.....	114

### Scientific life

Naim Karimov .....	129
Kamil Tashanov .....	131

Хулоса қилиб айтганда, Бухоро ўгуз шеваларида ассимиляция ходисаси кенг таркалган булиб, асосан, ўзакка (асосга) құшымчалар күшилишида юз беради. Ўзлашмалар билан содир буладиган диссимилляция ходисаси асоснинг ўзида содир булиши күзатилади.

**Уилилар транскрипцияси:**

ъ – тил олди унлиси, ы – тил орқа унлиси, ў – тил олди унлиси, у – тил орқа унлиси, э – тил олди унлиси, а – тил орқа унлиси, о – тил олди унлиси, е – тил орқа унлиси, ә – тил орқа унлиси.

**РЕЗЮМЕ.** Маколада Бухоро ўгуз шеваларида ундош товушлар ассимиляцияси ва диссимилляцияси ходисалари учраши ва бунда ўгуз гурӯҳ тиллари ҳамда шеваларининг тасири үрганилади.

**РЕЗЮМЕ.** В статье исследуется явление ассимиляции и диссимилляции согласных в бухарско-огузских говорах и влияние на данные говоры огузских языков и диалектов.

**RESUME.** The article studied the phenomenon of assimilation and dissimilation of consonants in the Bukhara Oghuz dialects and the influence of the languages and dialects of the Oghuz group.

**Таянч сўз ва иборалар:** товуш, фонема, фонетик ходиса, бүғин, ассимиляция ва диссимилляция, прогрессив ассимиляция, тўмкисиз прогрессив ассимиляция, рергессив ассимиляция, мураккаб тулиқ ассимиляция.

**Ключевые слова и выражения:** звук, фонема, фонетическое явление, слог, ассимиляция и диссимилляция, прогрессивная ассимиляция, неполная прогрессивная ассимиляция, рергессивная ассимиляция, сложная полная ассимиляция.

**Key words and word expressions:** sound, phoneme, phonetic phenomenon, syllable, assimilation and dissimilation, progressive assimilation, incomplete progressive assimilation, regressive assimilation, complex complete assimilation.

Элёр АЛИМАРДОНОВ

**ХОРАЗМ ШЕВАЛАРИГА ОИД БИР ТАРИХИЙ МАНБА**

Узбек тилининг ўгуз лаҗжаси таркибига кирувчи Хоразм шевалари узбек диалектологиясида нисбатан күпроқ үрганилган шевалардан бири ҳисобланади. Немис тилшуноси Й.Буденцининг 1865 йилда эълон қилинган "Хива татарчаси" номли салмоқли таҳлилий мақоласи<sup>1</sup> Хоразм шевалари хақида маълумот берувчи илк манба саналади. Айтиш керакки, "Хива татарчаси" мақоласи ҳозирга кадар хоразмшунос-шевашунослар эътиборидан четда қолиб келган манбалардан биридир. Узоқ вақтлардан бери Хоразм шевалари хақида маълумот берувчи илк манба сифатида А.Вамберининг 1867 йилда эълон қилинган "Чигатай тили дарслиги"<sup>2</sup> қайд этиб келинган. Ҳолбуки, Й.Буденцининг мазкур мақоласи А.Вамбери асаридан 2 йил олдин илм ахли эътиборига ҳавола қилинган эди. Шундан келиб чиқиб,

Budenz József Khivai tatarság // Nyelvtudományi közlemények. A Magyar Tudományos Akadémia Nyelvtudományi bizottsága. Negyedik kötet. – Pesten, 1865, 269–331-betlár.

<sup>2</sup> Armin Vambery, Cagataische Sprachstudien (ib. 1867) [Chagatai Language Studies] (Cagataischesprachstudien, enthaltend grammatischen umriss, chrestomathie, und wörterbuch der cagataischensprache;)

Й.Буденцинг ушбу асарини Хоразм шевалари ҳакида маълумот берувчи дастлабки манба деб ҳисоблаш мумкин.

Макола венгер тилида ёзилган бўлиб, 1865 йилда Венгрия Фанлар академиясининг "Тилшунослик ҳабарлари" журналида эълон қилинган ва карийб 62 саҳифани ташкил этади. У кириш, матнлар хамда шева ҳакида илмий маълумот берувчи назарий кисмдан иборат. Назарий кисмнинг ўзи яна иккига булинада: 1) фонетик кузатишлар (Hangtani eszrevetelek); 2) грамматик шакллар (Nyelvtanialakok).

Й.Буденц ушбу ишида қуллаган "татарча" термини остида умумий турк тили, яъни Хива туркчаси, туркий тил кўзда тутилган. Айрим олимларнинг оғзаки маълумотларига кўра, XIX аср Farb манбаларида Шарқий Европа ва Марказий Осиё туркйларига нисбатан "турк" термини билан бир каторда "татар" термини ҳам қўлланган. Шунингдек, маколада "турк", "татар" терминлари билан параллель равища "узбек" атамаси ҳам қўлланган.

Мазкур гадқикотни амалга оширишда Й.Буденц бирор марта Хоразмда булмаган ва ҳалқ ичида юриб, матнлар ёзib олмаган. Шунга кўра, ишни умумий маълумот берувчи ахборот сифатида талкин этиш мумкин. Олим шевага оид материалларни урганиш ва тавсифлашда ўзининг яқин ўртоғи А.Вамберининг Европага ўзи билан бирга олиб келган шогирди Мулла Исҳокнинг хизмати катта эканлитини алоҳида таъкидлайди. Манба ва материалларни унинг оғзида ёзив олганлигини қайд этади ва намунадаги матнларни 3 гурухга ажратади: 1. Баъзи татар (узбек – Э.А.) мақоллари ва топишмоқлари (naql, ojün hikâjet). 2. Эртак ва ҳикоятлар (hikâjetler). 3. Венгер шоири Янош Араннинг "Буданинг ўлими" номли балладасининг олтинчи кисми – "Мўжизавий оху ҳикояти (Ezébli ahuniň hikâjeti)"нинг узбек тилига (Хива шевасига) килинган эркин таржимаси.

Биринчи гуруҳ матнлари Мулла Исҳокнинг тилидан ёзив олинган 43 та мақол ва 6 та топишмоқдан иборат. Эртак ва ҳикоятлар матнларида жами 13 та ҳикоят келтирилган бўлиб, муаллифнинг таъкидлашича, 1–6-ҳикоятлар форс тилидан, 7–9-ҳикоятлар венгер тилидан ўзбек тилига эркин таржима қилинган, 10–11-ҳикоятлар Мулла Исҳоқ тилидан ёзив олинган, хажм жиҳатдан бошқаларига қараганда кўпроқ бўлган эртаклар, 12-ҳикоя усмонли турк тилида ёзилган "Қирқ вазир" китобидан эркин таржима қилинган парча, 13-ҳикоя эса, усмонли турк тилидаги "Тутинома"дан эркин таржима қилинган парчалардир. "Мўжизавий оху ҳикояти" балладасининг эркин таржимаси қарийб 181 мисрани ташкил этади. Эртак-ҳикоятларнинг ва "Буданинг ўлими" балладасининг таржимаси Мулла Исҳоқ томонидан амалга оширилган.

Муаллиф мақола аввалида Мулла Исҳоқдан олинган матнларни имкон даражасида фонетик жиҳатдан тўғри ёзив олишга ҳаракат қилгани ва мақолани "Хивада машҳур бўлган узбек тилидан намуна сифатида турк-татар тилларини урганишга қизиқувчилар билан" баҳам кўришини алоҳида қайд этади.

Й.Буденц Хива туркчасининг фонетика кисмida унли ва ундошларнинг миқдорини белгилайди, илқ бор ўзбек тилида бирламчи чўзиқ унлilarнинг мавжуд эканлигини<sup>3</sup> Farb илм оламига маълум қиласи ва намуналар келтиради. Шунингдек, унли ва ундошларда учрайдиган товуш алмашинишлари ҳакида тұхталиб утади. Олим Хива шевасида 9 та унли

<sup>3</sup> Tekin T. Türk dillerinde birincil uzun ünlüler. – Ankara. 1995, 50-bet.

мавжудлигини қайд этади: унлилар: а, е (узбек шеваларидағи а ёки э), і, Ӯ, о, Ӧ, Ӯ, ё (узбек шеваларидағи е ёки з)\*.

Й.Буденц фонемаларни тақдим этар экан, уларга алоҳида тавсиф бериб утирмайди, баъзи фонемалар (хусусан, чўзик унлилар), уларнинг айрим товуш алмашинишлари ҳакида кисман тухталиб ўтади. Лекин берилган матнлардан фонемалар ҳакида муайян фикр-мулоҳазалар билдириш мумкин. а унлиси умумтуркӣ орка катор, қуий-кенг, лабланмаган унли. Матнларда қуийдаги сўзларда учрайди: *adam, aq, bal, zan, jaman, qajda, derja, bala*. а фонемасининг чўзик вариантини киска талафузли а дан ажратиш учун устига ^ белгиси қуийлади\* ва а унлисининг чўзик вариантига мисоллар келтирилади: *qan, at, ás, pâtsâ* каби. Муаллиф чўзик унлилар узбек-татар тилида соф туркийча сўзларда мавжудлигини қайд этаркан, усмонли турк тилида чузиклик арабча ва форсча сўзларда учрашини алоҳида таъкидлайди. Мақолада шу тарика Хива шевасида (тегиши матнларда) учровчи е, ё, і, Ӯ, о, Ӧ унлиларининг тавсифлари керакли далилларга асосланган ҳолда баён қилинган, зарур уринда уларнинг кулланиши усмонли турк тили материаллари билан таққосланган.

Й.Буденц Хива шевасида 22 та ундош товуш мавжудлигини қуийдаги тартиб асосида беради: q, x, γ; k, g, j (у) ū; ē, Ӯ, ſ; t, d, s, z, n; p, b, v, w, m; l, r\*. Тартиба эътибор берилса, товушлар ҳосил булиш урнига кура алоҳида тартиблаб жойлаштирилган. Масалан, дастлаб чукур тил орка товушлари: q, x, γ; кейин тил орка ва тил урта товушлари: k, g, j (у) ū. Мақолада ундошларга, уларнинг ҳар бирига унлилар каби алоҳида маълумотлар берилмайди. Муаллиф томонидан мухим деб хисобланган жиҳатларгина ёритиб берилади. Лекин мазкур маълумотлар ва келтирилган матнлар асосида ундош фонемалар ҳакида аниқ бир фикр юритиш мумкин булади. Мақолада Хива шевасида араб ва форс тилларига хос f ундоши йуқлиги қатъий тарзда айтилиб, араб ва форс тилларидаги f товуши р га утиши қайд қилинади: *pajda, pelan, ҳауп, terep, musapir, perzend, parsı*. Аммо мазкур товуш усмонли туркчасида борлиги айтилади.

Й.Буденц мақолада узбек-татар тилида (Хоразм шевасида – Э.А.) соф туркона сўзларда чўзик унлиларининг мавжудлигини, аммо усмонли туркчада унлиларининг чузиклиги факат арабий ва форсий сўзларда учрашини алоҳида таъкидлаб, *qan* (кон), *at* (от, исм) каби мисолларни келтиради. І товушининг чўзик ҳолда қулланишига *sipalamaq* (эркаламок), *sülamaq* (хурмат қилмок), *čy* (шудринг), *qisiq* (қийшик), *qiz ёки qiz*; Ӯ, Ӧ, Ӯ товушларига *olar, bor, ton; böri;* Ӯ *tudl* (*toydi*), *bümaq* (*boymaq*), *tuz; tüs* каби сўзларни намуна сифатида келтиради. Шунингдек, муаллиф шевадаги иккиласми чузикликка ҳам мисоллар беради ва бу ҳодисани алоҳида чузиклик сифатида олмасдан, бирламчи ва иккиласми чузикликни битта чузиклик сифатида қайд этади.

Мақолада туркий тиллардаги ёки узбек шеваларидағи жаранглилашиш ҳодисаси ҳакида бир нечта сўз усмонли туркчадаги варианти билан қиёсланади. Усмонли туркчадаги бир қанча жарангли сўзлар келтирилади: *dil, day, doymaq, gelmek, gitmek, gormek, jedi, giderim, eder* каби. Аммо усмонли

\* Транскрипцион белгилар манбадаги асл холича берилмокда.

\* Умуман, барча киска унлилардан чўзик унлиларни ажратиш учун унлиниң устига ^ белгиси қуийлади.

\* Муаллиф ундошлар сонига һ товушини күшмайди. Аммо намуна сифатида келтирилган ўзбекча матнларда һ товушини кўллади. Масалан, *qarani jusan, aq bolmas, jaman her qiz jaχsi bolmas; uzak-ta bolsa hem joł jaχsi, jaman bolsa hem qiz jaχsi*.

туркчада ҳам жаранглилашиб бир текис эмаслигини қуидаги сұзлар оркали ифодалайды: *tıtaq, tar, kirek, körük, kesmek* қаби. Хоразм шевасида эса, жарангсизлашиб устувор булиб, бу жараён ҳам бир текис эмаслигини айтиб үтади ва қуидаги сұзларни мисол тарикасида көлтиради: *til, tau, toymaq, kitmek, kormek, jiti, kitermen iter; gezmek, güzel* қаби.

Усмонли турк тилидаги сұз бошида көлевчи в товуши шевада ғә шаклда сакланғанлыгини қайд этади: *varmaq, vermek, var-dır; barmaq, birmek, bar-dır*. Олим икки туркий тил үзбек ва усмонли тилларини янада көнгрек киёслаш кераклигини айтиб, үзига хос товуш алмашишини көлтиради: үзбек. *köjnek, usmon, gomlek*.

Й.Буденц туркий тиллардаги сингармонизм ҳодисаси ҳакида алоҳида тұхталиб, бу ҳодиса ёкут, усмонли турк ва үзбек тилларыда яхши сакланғанлыгини қайд этади, унли товушларнинг олд ёки орка қаторлигига кура, күшимчаларнинг вариантын беріб үтади: *nīn – nīñ, qa – ke, ya – ge, lar – ler, liq – lik, ū – ii*. Шевада сингармонизмнинг икки тури ҳам мавжудлыгини қайд этиб, иккала ҳолатда ҳам бузилишлар борлигини айтади. Үндошлар мослиги борасида ҳам намуналар көлтиради. Күшимчаларнинг вариантын беріб үтади: *-ya, -qa, -ge, -ke; -ži, -ži, -či, -či; -da, -de, -ta, -te; -din, -din, -tin, -tin; -i, -di, -ti, -ti; -dir, -dir, -tir, -tir*.

Ассимиляция ҳодисаси эса шевада қуидаги куринишларда мавжудлығы күрсатылған: *n-l: kōrgeller (korgenler), xatıllar (xarınlar), kullukci (kunlukci), jılallı (jılalı); r-l: weziller (wezirler); d-n: mennen (menden), basıtnan (basımdan), işinßen (işiinden), annin (andin), zindannen (zindändin), n-m: jamat-ma (jamanta), bilesen-me (bilesen-me)*.

Й.Буденц мақоласидаги шева материалларыда аксар ҳолларда қылғоч элементларини күзатыш мүмкін булади. Шунингдек, көлтирилған матнларда қылғоч ва үгуз элементлари араша ҳолда күлланған, бу холат эса, ушбу давр Хива шахри шевасида қылғоч ва үгуз элементлари араша ҳолда булғанми, деган табиий саволни түгдиради. Қунғиротлар мамлакатда юкори нұғузга зиярәтті, үларнинг шеваси ҳам (қылғоч) мавжуд үгуз шеваларига таъсир үтказишини тасаввур қилиш мүмкін. Шу үринде яна бир жиҳатта – ахборот берувчининг шахсиятига зәтибор бериш лозимлигини унұтmasлик керак. Җұнқи, ағасы, мақола айни бир кишининг оғзаки нұтқи, қылған таржималари асосида ёзилған ва хүлесалар берилған.

Муалиф материал берувчи Мулла Исҳокнинг Хива хонлигига қарашли Қунғирот беклигидан эканлыгини айтиб үтади. Қунғирот үзбеклари шеваси үзбек тилининг қылғоч гурухига мансуб булиб, Й.Иброҳимов Қунғирот шевасини Жанубий Оролбүйі үзбек тили ғарбий шевалар (қылғоч) гурухининг алоҳида учинчи гурухасыга киригади<sup>4</sup>. Демак, айтиш мүмкінки, Мулла Исҳок қылғоч шеваси вакиби булиб, үз даврининг зиёли кишиларидан бири булған. Маълумотларға кура, Мулла Исҳок Бухоро ва Шом мадрасаларыда таҳсил олған, Хива мадрасасида мударрислик қылған<sup>5</sup>. Шундан куринаңдықи, Мулла Исҳок қылғоч шеваси вакиби булса-да, үгуз шеваларидан ҳам яхшигина хабардор бүлған ҳамда "китобат тилини" мұкаммал билған. Шуларни инобаттаға олсақ, шева ҳакида аник бир фикр билдириш қийин булиб қолади. Лекин мазкур мақоладаги назарий қарашлар

<sup>4</sup> И брагимов Ю. Жанубий Оролбүйі үзбек шевалари тадқиқи. ДД.. – Тошкент, 2020, 36-бет.

<sup>5</sup> Бекмухаммадов У. Венгрияда яшаган хоразмлик олим. – Хива: Хоразм Маъмун академияси, 2021, 15-бет.

ва ўзбекча матнлар умумий ўзбек тили хусусиятларини ёритишга хизмат қилади, деб қараш мумкин. Шунингдек, иш маълум шева талқинига багишланганлигини хисобга оладиган булсан, билдирилган хулосалар, келтирилган матнлар айнан бир шевага тегишли эмаслигини айтиш жоиз.

Берилган ўзбекча матнларда баъзан кипчоқ элементлари устувор булса, баъзан ўгузча элементлар устувордир ва баъзи холларда хар иккала шева элементлари аралаш ҳолда кўлланаверади. Масалан, кипчоқ шевасида:

*Jaxši minen jürsen, jitersen müratqa, jaman minen jürsen, qalarsin uyatqa.*

*Jigit digen soq bolsun, soq bolmasa, joq bolsun.*

*Iel oyrisiz bolmas, tau bo:risiz bolmas.*

*Jiyamatyan balaya iemcek qajda?*

Угуз шевасида:

*jaxšılıq it. derjaya taşla: baliq bilir; baliq bilmese, xâliq bilir.*

*Kop itken xob iter.*

*Bolur adam on bisinde bas bolur, bolmas adam, qırqqa kirse, jaš bolur.*

*Dunjaya nleik kilgen bolsaň, böjje kitersen.*

Аралаш (кипчоқ-угуз):

*Qıstanıyan işke sejtân qosulur.*

*Qaranı jusaň, aq bolmas, jaman her qız jaxši bolmas.*

*Uzak-ta bolsa hem yol jaxši, jaman bolsa hem qız jaxši.*

*At arıqlıqta, jigit yarılılıqta jaman korumur.*

Бу каби аралаш матнлар муайян бир шева ҳакида фикр билдиришга имкон бермайди, лекин шуни ҳам ҳисобга олиш керакки, мазкур матнлар XIX аср Хива ҳонлигидаги ўзбек адабий тилини ифода этиши ҳам мумкин. Замонавий тилшуносликда "тил варианти" тушунчаси мавжудки, бу тушунча бир адабий тилнинг бир нечта давлатлардаги вариантларини билдиради<sup>6</sup>. Шу маънода, XIX асрда Ўрта Осиёда ўзбек адабий тилининг З та варианти мавжуд бўлган деб ҳисоблаш мумкин. Бу каби мавзулар ҳали ўзбек адабий тили тарихи урганиши керак булган масалаларданdir.

Тилшуносликда идиолект деган тушунча бор. "Идиолект" инглизча булиб, индивидуал тил деган маънони англатади ва күпинча якка шахсларга хос нуткий узига хосликни билдиради<sup>7</sup>. Й.Буденц идиолект (бир кишининг ёки бирор ижтимоий қатламнинг нутки) асосида бутун бир шева хусусида муносабат билдиришга харакат қиласи ва бу олимнинг хатоси эди.

Хулоса килиб айтганда, Йозеф Буденцининг "Хива татарчаси" мақоласи 1865 йилда Венгрия Фанлар академиясининг "Тилшунослик хабарлари" журналида эълон қилинган булиб, бу иш Хоразм шевалари ҳакида маълумот берувчи дастлабки манба сифатида қаралмоги керак. Чунки у А.Вамберининг "Чигатой тили дарслиги"дан (1867) икки йил аввал илм ахлига маълум қилинган. Мақола илк бор Гарб илм ахлига ўзбек шеваларини маълум қилиши билан мухим ҳисобланади. Шунга кура, мақолада ўзбек шеваларининг, хусусан, Хоразм шеваларининг фонетик, морфологик хусусиятлари қайд этилган. Жумладан, илк бор ўзбек тилининг Хива шеваси фонетик тизимидағи унлилар ва ундошлар миқдори белгиланган; ўзбек шеваларида фонетик қонуниятлар: сингармонизм, фонетик жараёнлар, шунингдек, чузик унлиларнинг мавжудлиги қайд этилган.

<sup>6</sup> A shirboyev S. O'zbek dialektologiyasi. – Toshkent: "Nodirabegim", 2021, 17-bet.

<sup>7</sup> Уша маънба, 16-бет.

**РЕЗЮМЕ.** Маколада немис олими Йозеф Буденцнинг Хоразм шеваларини ўрганишга бағишиланган "Хива татарчаси" номли таҳлилий мақоласи хақида фикр юритилади.

**РЕЗЮМЕ.** В статье обсуждена аналитическая статья немецкого ученого Йозефа Буденца "Tatarisch aus Chiwa" (Татарский язык Хивы), посвященная изучению хорезмских говоров.

**RESUME.** The article discusses the analytical article "Khiva Tatar" by the German scientist Joseph Budenz, dedicated to the study of Khorezm dialects.

**Таянч сўзлар ва иборалар:** Хоразм шевалари, фонетика, унли товушлар, ундош товушлар, сингармонизм, фонетик узгаришлар, дифтонгализаш.

**Ключевые слова и выражения:** хорезмские говоры, фонетика, гласные звуки, согласные звуки, сингармонизм, фонетические изменения, дифтонгизация.

**Key words and word expressions:** Khorezin dialects, phonetics, vowels, consonants, synharmonism, phonetic changes, diphthongization.

Азиза АХМЕДОВА

## ЧУЛПОН АСАРЛАРИДА ТАКРОРНИНГ ЛИНГВОПОЭТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Бадий услубда энг куп кулланиладиган тасвирий воситалардан бири такрордир. Такрор матннинг оҳангдорлигини таъминлайди, таъсиранлигини оширади, эслаб колиш имконини яратади, кутаринки кайфият бағишлиади. Шу боис ҳар бир ижодкор такрорий бирликлардан маҳорат билан фойдаланади. Чунки мөъридан ортиқ ва уринсиз кулланган такрор матннинг жозибадорлигини, таъсиранлигини ошириш ўрнига, аксинча, матн нутқининг сунъийлигига, ғализлигига олиб келади. Такрорнинг 30 га яқин турини санаб утган С.Каримов "такрорнинг зиммасига ҳам тил бирликларига эмоционал бўёқ, алоҳида оҳанг, жозиба берииш вазифаси"<sup>1</sup> юкланишини таъкидлайди. М.Йулдошев такрорни турли жиҳатдан турлари мавжудлигини ва шунга кўра тасниф килиш мумкинлиги хақида ёзди: "Такрорлар кулланиш ўрнига кура горизонтал ва вертикал такрорларга булинади. Бундай такрорлар айниқса, шеърий матнларда ўзига хос оҳангдорликни юзага келтиради. Такрорланувчи бирликнинг қайси туркумга мансублигига кура от такрори, сифат такрори, олмоп тақрори, феъл тақрори кабиларга булинади. Синтактик табиатига кура суз бирикмаси тақрори ва жумла тақрори ҳам фарқланади. Мазкур бирликларнинг жойлашиш тартибига кўра ҳам тасниф килиш мумкин: симметрик тақрор ва асимметрик тақрор. Шунингдек, ўртадаги масофа сига кура ҳам түрухлаштириш мумкин: яқин уринли тақрор, узок уринли тақрор. Бадий асарларда маълум бир фикрнинг турли шаклларда тақрорланишига караб мазмуний тақрор турини ҳам кузатишимиш мумкин"<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Каримов С. Бадий услуб ва тилнинг ифода тасвир воситалари (Ўкув кўлланма). – Самарқанд: СамДУ нашриёти, 1994, 55–56-бетлар.

<sup>2</sup> Йулдошев М. Бадий матннинг лисоний таҳлили. – Тошкент, 2007, 37–38-бетлар.